

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.07/30.12.2019.Yu.22.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ

МАРИПОВА СЕВАРХОН АРИБЖАНОВНА

**ФУҚАРОЛИК ПРОЦЕССИДА МЕДИАЦИЯНИ ҚЎЛЛАШ:
ҚИЁСИЙ-ҲУҚУҚИЙ ТАҲЛИЛ**

12.00.04 – Фуқаролик процессуал ҳуқуқи. Иқтисодий процессуал ҳуқуқи. Ҳакамлик
жараёни ва медиация

юримик фанлар бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2022

Докторлик диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской диссертации

Content of the abstract of doctoral dissertation

Марипова Севархон Арибжановна

Фукаролик процессида медиацияни қўллаш: қиёсий-ҳуқуқий таҳлил.....3

Марипова Севархон Арибжановна

Применение медиации в гражданском процессе: сравнительно-правовой анализ.....21

Maripova Sevarkhan Aripjanovna

The use of mediation in civil proceedings: a comparative legal analysis.....39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....43

МАРИПОВА СЕВАРХОН АРИБЖАНОВНА

**ФУҚАРОЛИК ПРОЦЕССИДА МЕДИАЦИЯНИ ҚЎЛЛАШ:
ҚИЁСИЙ-ҲУҚУҚИЙ ТАҲЛИЛ**

12.00.04 – Фуқаролик процессуал ҳуқуқи. Иқтисодий процессуал ҳуқуқи. Ҳакамлик
жараёни ва медиация

юримдик фанлар бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2022

Фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.4.PhD/Үи431 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Тошкент давлат юридик университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tsul.uz) ва «ZiyoNET» Ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Тиллабаев Мирзатилла Алишерович
юридик фанлар доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Самарходжаев Ботир Билалович
юридик фанлар доктори, профессор

Олимова Камила Камалитдиновна
юридик фанлар номзоди

Етакчи ташкилот:

Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети

Диссертация химояси Тошкент давлат юридик университети ҳузуридаги DSc.07/30.12.2019.Үи.22.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2023 йил 14 январь соат 10:00 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100047, Тошкент шаҳар, Сайилгоҳ кўчаси, 35. Тел.: (99871) 233-66-36; факс: (99871) 233-37-48; e-mail: info@tsul.uz).

Диссертация билан Тошкент давлат юридик университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (1093-рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100047, Тошкент шаҳар, Амир Темур кўчаси, 13. Тел.: (99871) 233-66-36).

Диссертация автореферати 2022 йил «30» декабрь куни тарқатилди.
(2022 йил 30 декабрдаги 18-рақамли реестр баённомаси).

И.Р.Рустамбеков

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
юридик фанлар доктори, профессор

Д.Ю.Хабибуллаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
котиби, юридик фанлар номзоди, профессор

С.С.Гулямов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги Илмий семинар раиси, юридик
фанлар доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда низоларни муқобил ҳал этиш институтларининг ривожланиш амалиётини кузатиб борар эканмиз, фуқаролик ҳуқуқий муносабатлар, оилавий ва тадбиркорлик субъектлари ўртасида тузиладиган битимлар ва шартномалар шартларининг бажарилишида медиация, музокаралар олиб бориш, ҳакамлик судлари ва мустақил эксперт хулосаси, арбитраж каби низони ҳал қилишнинг муқобил усуллари умумий юрисдикция судларига нисбатан ўзининг самарадорлигини кўрсатмоқда. Англо-саксон ҳуқуқ оиласига мансуб мамлакатларда айниқса низоларни ҳал қилишнинг муқобил усули сифатида медиация кенг қўлланилиб, 60-80 фоиз низолар медиаторлар иштирокида ҳал этилмоқда.¹ Европарламентнинг фуқароларнинг сиёсий ҳуқуқлари ва конституциявий саволлари бўйича бош бошқармасининг 2011 йилги ҳисоботларига кўра ЕИ ҳудудидаги тузилаётган шартномавий муносабат субъектлари томонидан тузилаётган битимларнинг 85 фоизи профессионал медиаторлар томонидан расмийлаштирилаётганлиги келгусида низолар келиб чиқишини олдини олмақда.² Ушбу кўрсаткичлар дунёда медиация институтининг янада ривожлантириш масалаларини тадқиқ этишга оид муаммоларни ўрганиш долзарб эканлигини белгилайди.

Жаҳонда медиация тартиб-таомилини қўлаш орқали низоларни қисқа муддатларда, камроқ ҳаражат қилиш ва тарафлар ўртасидаги муносабатларнинг таранглашувини олдини олиш, уларнинг иккиси учун ҳам энг мақбул бўлган келишувга эришиш ҳамда унинг ижросини ихтиёрий равишда ижро этиш, медиация тартиб-таомилини амалга ошириш ваколатига эга бўлган профессионал ва нопрфессионал медиаторларни тайёрлаш, уларни малакасини ошириш масаласини ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлашга эътибор қаратилмоқда. Бу борада ривожланган мамлакатлар тажрибаси асосида, масалан Англияда 1993 йилда ташкил этилган “Низоларни муқобил ҳал этиш маркази” (Centrefor Effective Dispute Resolution, CEDR), 2012 йил 21 июлда Германия одил судлов тизимида оид қонунларга медиация институтини қўллашнинг қонун билан белгиланганлиги, шунингдек 2004 йил 2 июнда Брюсселда қабул қилинган Европа кодексига ЕИ давлатлари ҳудудида низоларни ҳал қилишда медиация институтидан фойдаланишни тавсия этилганлиги, бунинг натижасида 2008 йил 21 май куни Европа парламенти томонидан 2008/52-сонли “Фуқаролик ва тижорий муносабатларда медиация институтини қўллашнинг алоҳида жиҳатлари”³ номли директив ҳужжатнинг қабул қилиниши натижасида медиация институтини ривожлантириш ва

¹ Таймазов В. Интервью: Медиация в России: первые шаги. [Электронный ресурс]. Режим доступа: URL: <http://base.consultant.ru/cons/cgi/online.cgi?req=doc;base=PBI;n=122616>. Дата обращения: 25.02.2018.

² Directorate general for internal policies policy department c: citizens' rights and constitutional affairs. Quantifying the cost of not using mediation – a data analysis. <https://www.europarl.europa.eu>.

³ Directive 2008/52/ec of the european parliament and of the council dated may 21, 2008 regarding some aspects of mediation in civil and commercial matters. <https://www.europarl.europa.eu>

самарадорлигини оширишга оид тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Республикада жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш, низоларни ҳал қилишнинг муқобил имкониятларини кенгайтириш, судларда иш ҳажмини мақбуллаштиришда медиация институти, ҳакамлик судлари ва халқаро арбитражларнинг ролини тубдан ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Низоларни муқобил ҳал этишнинг механизмларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2020 йил 17 июндаги ПҚ-4754-сон қарори қабул қилинди. Шунингдек 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида низоларни ҳал этишнинг муқобил усулларида кенг фойдаланиш учун зарур ташкилий-ҳуқуқий шарт-шароитларни яратиш, ярашув институтини қўллаш доирасини янада кенгайтириш, суд ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этишнинг муқобил, шу жумладан суддан ташқари усулларида фойдаланиш кўламини кенгайтиришга оид мақсадлар белгиланган.

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, йил сайин фуқаролик судлари томонидан кўриб тамомланган ишлар сони ортиб бормоқда, жумладан, 2019 йилда 276 937 тани, 2020 йилда 291 132 тани ташкил этган бўлса, фуқаролик ишлар бўйича судлар томонидан 2021 йилнинг 9 ойи давомида биринчи инстанцияда кўрилган ишлар жами 362 611 тани ташкил этган.⁴ Жисмоний ва юридик шахслар ўртасидаги низоларни судга қадар ҳал этиш ёхуд низоларни ҳал қилишнинг муқобил шакллари кенгайтириш, фуқаролик процессига медиация тартиб-тамомилини янада кенгроқ тадбиқ этиш судларнинг фуқаролик-ҳуқуқий низоларни ҳал этишдаги иш юкламаларини бирмунча камайитириш зарурати ҳамда фуқаролик суд ишларини юритишда медиация тартиб-таомилини янада такомиллаштиришга бўлган эҳтиёж мазкур соҳани чуқур ва комплекс тадқиқ этиш заруратини юзага келтирмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодекси (2018), Фуқаролик кодекси (1995), Меҳнат кодекси (1995), Оила кодекси (1998), Фуқаролик процессуал кодекси (2018), «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги (2016), «Медиация тўғрисида»ги (2018), «Қасаба уюшмалари тўғрисида»ги (2019), «Аҳоли бандлиги тўғрисида»ги (2020) қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2020 йил 17 июндаги ПҚ-4754-сон «Низоларни муқобил ҳал этишнинг механизмларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори, 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли «2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги фармонида белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади..

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги: Мазкур диссертация республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Ахборотлашган

⁴ https://stat.sud.uz/file/2021/fib/fib_2021_9.pdf.

жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий ва маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Диссертация Ўзбекистонда фуқаролик процессида медиацияни қўллашнинг қиёсий-ҳуқуқий таҳлилига бағишланган дастлабки комплекс тадқиқот иши ҳисобланади. Мазкур мавзунинг айрим жиҳатларини илмий тадқиқот объекти сифатида Ш.Масадиков (Ўзбекистон Республикасида медиациянинг моҳияти ва уни ҳуқуқий тартибга солиш муаммолари), М.М.Мамасиддиқов (Фуқаролик-ҳуқуқий низоларни ҳал қилишнинг муқобил усулларини жорий этишнинг айрим масалалари), И.Рустамбеков (Медиация пособие для медиаторов), Л.У.Раҳимқулова (якка меҳнат низоларини кўриб ҳал қилиш тартиби), Ф.Х.Отахонов (медиация: тушунчаси, мақсади ва принциплари), Д.Ш.Якубова (медиация: низоларни ҳал қилишнинг муқобил усули), М.Баҳрамова (арбитраж юрисдикциясини тартибга солиш ва амалий муаммолар (юнситрал намунавий қонуни асосида), Ш.Бердиев (қелишмовчиликлар ва низолар ечими медиация институтини тақозо этмоқда) илмий ишларида ўрганилган.

Шу ўринда тадқиқот мавзуси билан боғлиқ илмий изланишлар хорижий давлатлар олимлари томонидан бевосита ўрганилганлигини таъкидлаш керак. Хусусан, В.В. Нагайцев (современные технологии альтернативного разрешения социальных конфликтов), М.А. Романенко (альтернативные формы разрешения правовых конфликтов: выбор оптимальной модели), Ц.Шамликашвили (медиация — современный метод внесудебного разрешения споров..), А.Рашидова, А.Рачкова (медиация в трудовых спорах),.

Шунингдек, медиацияни жорий қилиш масалалари қуйидаги, С.Рачева, М.С.Иванова, А.Г.Моногарова, Е.А.Добролюбова, К.А.Шумова, Д.С.Шведованинг илмий ишланмалари асосида ўрганилган. Шу билан бирга хорижий мутахасислар Jorge Sappia (labour Justice and alternative dispute resolution of collective and individual labour conflicts), A.Lesley (Exploring the common ground in mediation), J.A.Braun. (Child protection mediation : mediator strategies for managing the process.), J.Kishore (Mediation in theory and practice" an insight into illinois agricultural mediation program from 1997 – 2007), Bernard, Julia M. (Divorce Mediation), Faris J.A., Simon Deakin ва бошқа бир қатор олимлар низоларни муқобил усулларда ёки медиация тартиб-таомили асосида ҳал этиш шартлари ва тартибларига оид алоҳида жиҳатларни комплекс тарзда тадқиқ этган.⁵

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация мавзуси Тошкент давлат юридик университетининг илмий-тадқиқот ишлари режаси доирасида олиб борилган «Низоларни муқобил ҳал этиш, медиация тартиб-таомилини ривожлантириш истиқболларини белгилаш

⁵ Мазкур олимлар илмий ишларининг тўлиқ рўйхати диссертация ишининг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида берилган

ва ҳуқуқий тартибга солишнинг илмий-назарий ва амалий муаммоларини тадқиқ этиш» (2017–2021) илмий лойиҳаси доирасида амалга оширилган.

Тадқиқотнинг мақсади Фуқаролик процессида медиацияни қўллаш билан боғлиқ муаммоларни аниқлаш ҳамда қиёсий-ҳуқуқий таҳлил этиш асосида мазкур муаммоларни ҳал этишга қаратилган илмий асосланган таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

фуқаролик процессида медиацияни қўллаш тушунчаси, унинг асослари, тартиби ва шартлари, предмети ҳамда медиация тартиб таомили субъектлари ва уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини кўриб чиқиш;

медиация келишув ва келишув битимининг ўхшаш ва фарқли жиҳатларини аниқлашнинг зарурлигини асослаш ҳамда мазкур турдаги низоларни ҳал этишда уларнинг аҳамиятини кўрсатиб бериш;

фуқаролик ҳуқуқий ва оилавий ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низоларни медиация тартиб-таомили асосида ҳал этиш шартлари ва ўзига хос хусусиятларини таҳлил қилиш;

якка меҳнат низоларини медиация тартибида ҳал этиш шартлари ва тартибига оид ҳуқуқий асосларни такомиллаштиришга оид таклифлар ишлаб чиқиш;

суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш жараёнида медиацияни қўллаш шартларини таҳлил қилиш ва уни такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

адвокатлик ва нотариус фаолиятида медиацияни ривожлантириш масалалари ўрганиш ва такомиллаштириш бўйича таклифлар киритиш;

медиация тартиб-таомилини қўллашга оид хорижий тажрибани ўрганиш ҳамда миллий қонунчилик билан қиёсий-ҳуқуқий таҳлил қилиш;

Ўзбекистонда медиацияни ривожлантириш истиқболлари ва устивор йўналишлари таҳлил қилиш ҳамда ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришга қаратилган илмий-амалий тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти фуқаролик процессида медиация тартиб таомилини қўллаш билан боғлиқ ижтимоий муносабатлар тизими ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети фуқаролик процессида медиация тартиб таомилини қўллаш билан боғлиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, ҳуқуқни қўллаш амалиёти, хорижий мамлакатлар қонунчилиги ва тажрибаси, юридик фанда мавжуд концептуал ёндашувлар, илмий-назарий қарашлар ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот олиб бориш жараёнида қиёсий-ҳуқуқий тадқиқот, эмпирик тадқиқот, мантиқий, функционал, таҳлилий, тарихий, илмий манбаларни комплекс тадқиқ этиш, социологик, статистик маълумотлар таҳлили каби усуллардан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

медиацияни суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш жараёнида қўллаш, медиация суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш жараёнида қўлланилган тақдирда фаолиятини

профессионал асосда амалга оширувчи медиаторнинг албатта иштирок этиши талаб этилиши асослантилган;

қонун бўйича медиатор бўлишга қўйилган чекловдан нотариуслар мустасно эканлиги ҳақидаги таклифи асослантилган;

якка тартибдаги меҳнат низоларини кўриб чиқиш юзасидан муурожаат этиш муддатининг ўтиши якка тартибдаги меҳнат низосини медиация тартибда кўриб чиқиш даврида тўхтатиб турилиши асослантилган;

яраштирув-воситачилик тартиб-таомиллари жамоавий меҳнат низосини дастлаб яраштириш комиссиясида, унда келишувга эришилмаганда эса меҳнат арбитражида, шунингдек тарафларнинг ўзаро келишувига кўра медиация тартиб-таомилларини қўллаган ҳолда тадрижий ҳал этишдан (тартибга солишдан) иборатлиги асослантилган;

профилактика инспекторлари ва жамоатчилик вакиллари учун ёш даврлари психологияси, девиант хулқ-атвор психологияси, профилактикаси ва коррекция асослари, ижобий психология, конфликтология ва медиация соҳаларида малака ошириш бўйича тренинг курслари ташкил этиш лозимлиги асослантилган;

медиаторларни тайёрлаш ҳамда интеллектуал улк ҳуқуқи соҳасига оид касбий билим ва кўникмаларни ошириш бўйича қисқа муддатли ўқув курслари бевосита ёки масофавий шаклларда ташкил этиш, шунингдек, медиаторларни тайёрлаш дастури бўйича махсус ўқув курслари ташкил этишда вазирлик ва идоралар, бошқа ташкилотларнинг бюджетдан ташқари маблағлари, шунингдек, тингловчилар томонидан ўқув курсларида ўқиш учун шартнома асосида тўланадиган маблағлар ва қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбаларни белгилаш зарурлиги асослаб берилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

фуқаролик процессуал ҳуқуқи назариясида фуқаролик ҳуқуқий муносабатлардан, шунингдек якка меҳнат низоларига ва оилавий ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низоларга медиацияни қўллаш билан боғлиқ муносабатларга нисбатан, агар қонунда бошқача қоида назарда тутилмаганлигига оид тушунча аниқлаштирилиши лозимлиги асослаб берилган;

медиатив келишув, медиация тартиб-таомилрини амалга ошириш тўғрисидаги келишув, медиацияни қўллаш тўғрисидаги келишувни амалга ошириш тартиби ва шартлари “Медиация тўғрисида”ги қонунда аниқ ифодаланиши зарурлиги асослантилган;

профессионал ва нопрофессионал медиаторларнинг низоларни ҳал қилишда иштирокининг аниқ чегараси белгиланиши лозимлиги асослантилган;

давлат органи иштирокида низо келиб чиққан тақдирда, давлат органи медиацияни қўллаш бўйича чоралар кўриши шартлиги асослантилган;

низоларни медиация асосида ҳал этиш, медиабеллик, низоларни бошқариш, низоларини ҳал этишда ўзаро музокаралар олиб бориш тушунчаларига муаллифлик таърифи ишлаб чиқилган;

Фуқаролик процессида медиацияга оид нормаларни тадбиқ этиш

амалиётини умумлаштириш асосида “Низоларни муқобил ҳал этишнинг механизмларини янада такомиллаштирилиши муносабати билан айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги янги қонун қабул қилиниши лозимлиги асослантилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги. Тадқиқот натижалари миллий қонунчилик нормалари, ривожланган давлатлар тажрибаси, ҳуқуқни қўллаш амалиёти, сўровнома, эксперт баҳолаш шакллари асосланган. Статистик маълумотларнинг таҳлили натижалари умумлаштирилиб, тегишли ҳужжатлар билан расмийлаштирилган. Хулоса, таклиф ва тавсиялар апробациядан ўтказилиб, уларнинг натижалари етакчи миллий ва хорижий нашрларда эълон қилинган. Олинган натижалар ваколатли ташкилотлар томонидан маъқулланган ва амалиётга жорий қилинган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти миллий фуқаролик процессуал ҳуқуқи фани назариясини, шунингдек низоларни муқобил ҳал этиш институтларини, ҳамда медиация тартиб-таомилини қўллаш билан боғлиқ янги тушунчалар билан бойитилишида намоён бўлади. Таклиф ва тавсиялар келгусида илмий тадқиқот ишларини олиб бориш, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, медиатив келишув, медиация тартиб-таомилини қўллаш ҳақидаги келишув, қонунчилик нормаларига шарҳлар тайёрлашда фойданиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти низоларини ҳал этишнинг муқобил усуллари, “Медиаторларни тайёрлаш курслари”, Фуқаролик процессуал ҳуқуқи, Меҳнат ҳуқуқи, Фуқаролик ҳуқуқи, Оила ҳуқуқи, оилавий медиация модулларини ўқитиш, медиация иштирокчилари ва медиаторлар учун амалий қўлланмалар тайёрлаш, Олий суд Пленуми қарорларини ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Тадқиқот иши бўйича олинган илмий натижалардан қуйидагиларда фойдаланилган:

медиацияни суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш жараёнида қўллаш, медиация суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш жараёнида қўлланилган тақдирда фаолиятини профессионал асосда амалга оширувчи медиаторнинг албатта иштирок этиши талаб этилишига оид таклифлари Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 3 июлда қабул қилинган «Медиация тўғрисида»ги ЎРҚ-482-сонли Қонунида 15-моддасида ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг 2022 йил 10 майдаги 02/6-09-9-сон далолатномаси). Ушбу таклифлар медиация тартиб-таомилини қўллаш доирасини кенгайтиришга ва бу босқичда профессионал медиатор иштирокининг таъминлашга хизмат қилган;

қонун бўйича медиатор бўлишга қўйилган чекловдан нотариуслар мустасно эканлиги ҳақидаги таклифи Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 3 июлда қабул қилинган «Медиация тўғрисида»ги ЎРҚ-482-сонли Қонуни 12-моддаси бешинчи қисмининг иккинчи хатбошисин ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик

палатаси Коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари кўмитасининг 2022 йил 10 майдаги 02/6-09-9-сон далолатномаси, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Суд ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш кўмитасининг 2022 йил 23 майдаги 06-13/17-сон далолатномаси). Ушбу таклифнинг жорий этилиши нотариусларнинг медиаторлик фаолиятини амалга оширишларини таъминлашга хизмат қилган;

якка тартибдаги меҳнат низоларини кўриб чиқиш юзасидан мурожаат этиш муддатининг ўтиши якка тартибдаги меҳнат низосини медиация тартибида кўриб чиқиш даврида тўхтатиб турилади мазмундаги таклифи 2022 йил 17 март Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Сенатининг 24-ялпи мажлисида маъқулланган Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексининг 554-моддаси учинчи қисмида эътиборга олинган. (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Суд ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш кўмитасининг 2022 йил 23 майдаги 06-13/17-сон далолатномаси). Ушбу таклиф якка тартибдаги меҳнат низосини медиация тартибида кўриб чиқиш даврида муддатнинг тўхтатиб турилишига хизмат қилган;

яраштирув-воситачилик тартиб-таомиллари жамоавий меҳнат низосини дастлаб яраштириш комиссиясида, унда келишувга эришилмаганда эса меҳнат арбитражида, шунингдек тарафларнинг ўзаро келишувига кўра медиация тартиб-таомилларини қўллаган ҳолда тадрижий ҳал этишдан (тартибга солишдан) иборатлигига доир таклифи 2022 йил 17 март Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Сенатининг 24-ялпи мажлисида маъқулланган Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексининг 570-моддаси биринчи қисмида эътиборга олинган. (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Суд ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш кўмитасининг 2022 йил 23 майдаги 06-13/17-сон далолатномаси). Ушбу таклифнинг тадбиқ этилиши жамоавий меҳнат низосини яраштирув-воситачилик тартиб-таомиллари асосида дастлаб яраштириш комиссиясида, унда келишувга эришилмаганда эса меҳнат арбитражида, шунингдек тарафларнинг ўзаро келишувига кўра медиация тартиб-таомилларини қўллаган ҳолда ҳал этишга хизмат қилган;

профилактика инспекторлари ва жамоатчилик вакиллари учун ёш даврлари психологияси, девиант хулқ-атвор психологияси, профилактикаси ва коррекция асослари, ижобий психология, конфликтология ва медиация соҳаларида малака ошириш бўйича тренинг курслари ташкил этишга оид таклифи Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 7 июндаги 472-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида психологик хизмат кўрсатишни янада такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар режасининг етинчи бандини ишлаб чиқишда фойдаланилган. (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Юридик таъминлаш бошқармасининг 2022 йил 6 июндаги 12/21-41-сонли далолатномаси). Ушбу таклифнинг тадбиқ этилиши профилактика инспекторлари ва жамоатчилик вакиллари учун ёш даврлари психологияси, девиант хулқ-атвор психологияси, профилактикаси ва коррекция асослари, ижобий психология, конфликтология ва медиация

соҳаларида малака ошириш бўйича тренинг курслари ташкил этишлишига хизмат қилган;

медиаторларни тайёрлаш ҳамда интеллектуал улк ҳуқуқи соҳасига оид касбий билим ва кўникмаларни ошириш бўйича қисқа муддатли ўқув курслари бевосита ёки масофавий шаклларда ташкил этиш, шунингдек, медиаторларни тайёрлаш дастури бўйича махсус ўқув курслари ташкил этишда вазирлик ва идоралар, бошқа ташкилотларнинг бюджетдан ташқари маблағлари, шунингдек, тингловчилар томонидан ўқув курсларида ўқиш учун шартнома асосида тўланадиган маблағлар ва қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбаларни белгилаш зарурлигига оид таклифи Вазирлар Маҳкамасининг “Юридик кадрларни халқаро стандартлар бўйича тайёрлаш тизимини янада такомиллаштиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2021 йил 6 апрелдаги 189-сонли қарорнинг учинчи банди бешинчи хатбошиси ҳамда бешинчи банди учинчи хатбошисини ишлаб чиқишда фойдаланилган. (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Юридик таъминлаш бошқармасининг 2022 йил 6 июндаги 12/21-41-сонли далолатномаси). Ушбу таклифнинг тадбиқ этилиши медиаторларни тайёрлаш ҳамда интеллектуал мулк ҳуқуқи соҳасига оид касбий билим ва кўникмаларни ошириш бўйича қисқа муддатли ўқув курслари бевосита ёки масофавий шаклларда ташкил этиш, шунингдек, медиаторларни тайёрлаш дастури бўйича махсус ўқув курслари ташкил этишда вазирлик ва идоралар, бошқа ташкилотларнинг бюджетдан ташқари маблағлари, шунингдек, тингловчилар томонидан ўқув курсларида ўқиш учун шартнома асосида тўланадиган маблағлар ва қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбаларни белгилашга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 6 та илмий анжуманда, жумладан 3 та халқаро, 3 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 10 та илмий иш, жумладан 5 та илмий мақола, Ўзбекистон Республикаси Олий атестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижалари чоп этишга тавсия этилган илмий ишларда 1 та, 4 та (1 таси халқаро-хорижий конференциялар) илмий тўпламлар нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловадан иборат. Диссертациянинг ҳажми 140 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети, усуллари, илмий янгилиги ва амалий натижаси, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, илмий

ва амалий аҳамияти, жорий қилиниши, апробацияси, натижаларнинг эълон қилинганлиги, диссертациянинг ҳажми ва тузилиши ёритилган.

Диссертациянинг «**Медиациянинг зарурияти, аҳамияти ва ривожланиш истиқболлари**» деб номланган биринчи бобда Ўзбекистон Республикасида низоларни муқобил ҳал этишга оид ислоҳотлар, медиация тартиб таомилининг тушунчаси, ҳуқуқий табиати ва уни қўллаш шартлари, фуқаролик процессида медиатив келишув ва келишув битимининг ўхшаш ва фарқли жиҳатлари таҳлил қилинган.

Диссертант томонидан медиация тартиб-таомилини тартибга солувчи қонунчиликнинг вужудга келиши ва унинг ривожланиш масаласи бир қатор ҳуқуқшунос олимлар (М.М.Мамасиддиқов, З.Н.Эсанова, Д.Ю.Хабибуллаев, Ш.Масадиқов, Ф.Х.Отахонов, Ф.Б.Ибратова, Д.Ш.Якубова, М.Бахрамова, Ш.Бердиев, В.В. Нагайцев, М.А. Романенко, А.Рашидова, А.Рачкова, J.Sarria, A.Lesley, J.A.Braun, J.Kishore, M. Julia, Faris J.A., S.Deakin)нинг қарашлари таҳлил қилиниб медиация тартиб-таомилини амалга ошириш тўғрисидаги келишув, медиацияни қўллаш тўғрисидаги келишувни амалга ошириш тартиби ва шартлари “Медиация тўғрисида”ги қонунда аниқ ифодаланиши зарурлиги асослантирилиб берилди.

Муаллиф низоларни муқобил ҳал қилишга расмий одил судлов фаолиятига параллел мавжуд бўлувчи тизими сифатида қараш мумкин. Суд тартибига ҳақиқатда зарурат бўлганда ёки бошқа муқобил усуллар муваффақиятсиз бўлиб чиққанда мурожаат қилиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Низоларни муқобил ҳал қилиш одил судлов фаолиятини алмаштирмайди ва алмаштиролмайди ҳам, унга бўлган кириш ҳуқуқига тўсиқ бўлолмайди бўлиши ҳам мумкин эмас, у билан рақобатга киришолмайди деган тўхтамга келган.

Диссертант низоларни давлат судларида ҳал этиш билан таққослаганда медиациянинг куйидаги афзалликлари мавжудлигини кўрсатиб ўтади.

Биринчидан, ҳуқуқларни давлат судларида ҳимоя қилишнинг суд шаклидан медиация жараёнининг асосий фарқи медиаторнинг низонинг моҳиятига нисбатан ўз-ўзидан ҳеч қандай қарор қабул қилмаслиги ҳисобланади. Медиация доирасидаги барча қарорлар фақат тарафларнинг ўзаро розилиги асосида қабул қилинади. Судда низолар судьялар томонидан тарафлар учун мажбурий бўлган ва мажбурий тартибда ижро қилиниши мумкин бўлган қарорлар чиқариш йўли билан тугатилади.

Иккинчидан, судларда ишларнинг кўплиги ва ишларни кўриб чиқиш ойлаб чўзилганлиги туфайли медиация орқали низоларни ҳал этиш вақтнинг тежалишига олиб келади, кўпинча бир иш бўйича низолар иккинчи ва учинчи инстанцияда давом этади, ютқазган тараф суд ҳужжатлари устидан шикоят қилади. Юридик ёрдам олишга сарфланадиган харажатлар суд жараёнининг давом этиш муддати билан узвий боғлиқ бўлганлиги туфайли низоларни тезкорлик билан ҳал қилиниши медиациянинг тежамкорлигини билдиради.

Учинчидан, медиация ўзгарувчан жараён ҳисобланиб, тарафлар низони кўриб чиқиш жараёнини ўз хоҳишига кўра тартибга солишлари мумкин, уларга муаммони муҳокама этиш учун эркин шароит яратилади. Шу билан

бирга медиаторнинг ўзи ҳам тарафларга низони ҳал қилиш йўлини топишга ёрдам беради.

Тўртинчидан, суд ишининг оммавийлиги, ошкоралиги ва очиқлигидан фарқли равишда медиация жараёнига махфийлик хосдир. Тарафлардан олинган барча маълумотлар, «девордан ташқарига чиқмайди» ва медиаторнинг фаолияти тугагандан сўнг унинг барча ёзувлари йўқ қилиниши лозим.

Бешинчидан, суд қарорлари ҳар доим ҳам тарафлар истаган оқибатга олиб келмайди (камида бир тараф ишнинг натижасидан норозилигича қолади) ва бу ҳолат келажакда суд қарорларини нафақат ихтиёрий бажаришдан бош тортилишига, балки бажаришга мажбурий тўсқинлик қилинишига олиб келади. Медиация давомида барча қарорлар тарафларнинг икки томонлама келишувига кўра қабул қилинади ва иккала тараф ўзлари томонидан биргаликда қабул қилинган қарорларини ихтиёрий равишда бажариш мажбуриятини оладилар.

Олтинчидан, медиациянинг рад этиб бўлмайдиган устунликлари ичида тарафлар ўртасидаги яхши, дўстона муносабатларни сақлаб қолиш ҳисобланади. Медиация айниқса, мулкни тақсимлаш, эр-хотинлар, ота-оналар ва фарзандлар ўртасидаги келишмовчиликларни бартараф этиш, меҳнат низоларини ҳал этиш билан боғлиқ муаммоларни ҳал этишда самарали ҳисобланади.

«Алоҳида тоифадаги низоларни медиация тартиб-таомили асосида кўриб чиқиш тартиби» деб номланган иккинчи бобда фуқаролик-оилавий ҳуқуқий муносабатлардан (мерос, мулк) келиб чиқадиган низоларни медиация тартибида кўриб чиқиш, яқка меҳнат низоларини медиация тартибида ҳал этиш шартлари ва тартиби, суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш жараёнида медиацияни қўллаш шартлари ёритилган.

Оилавий низоларни медиация тартиб таомили асосида ҳал этишнинг зарурати шунда кўринадики, йил сайин мазкур низоларни судда кўриш статистик кўрсаткичлари ортиб бормоқда. Жумладан, фуқаролик ишлар бўйича судлар томонидан биринчи инстанцияда кўрилган оилавий низолар юзасидан статистик маълумотлар эътибор қаратадиган бўлсак, 2020 йилда жами 67.775 та оилавий низо кўриб чиқилган бўлса, шундан 42.706 та фуқаролик иши қаноатлантирилган, 2903 та иш тугатилган. 2021 йилда эса 99695 та оилавий низо кўриб чиқилган бўлса, шундан 64577 та фуқаролик иши қаноатлантирилган, 15944 та иш тугатилган, 2022 йилнинг биринчи чорагида 23369 та оилавий низо кўриб чиқилган бўлса, шундан 15.944 та фуқаролик иши қаноатлантирилган, 831 та иш тугатилган.⁶

Ҳиндистонлик медиатор Ф.Даманианинг таъкидлашича оилавий низоларни медиация йўли билан ҳал қилишнинг процессуал жиҳатлари 1984 йилдаги “Оила судлари тўғрисида”ги қонуннинг 5-бўлимида ("FCA") кўрсатилган, унга кўра судлар ижтимоий таъминот ташкилотлари

⁶ <https://stat.sud.uz/file/2022/12>

ассоциациясига тарафларни мурасага келтиришлари учун оилавий низолар бўйича суд тартибидан олдинги муҳокамани ўтказишни буюришга имкон беради.

Гурузия Республикасининг “Медиация тўғрисида”ги Қонунининг 11-моддаси тўртинчи бандига муфовиқ суд медиациясида иштирок этувчи медиаторнинг ҳақи давлат томонидан судларни молиявий таъминлаш жамғармаси ҳисобидан тўлаб берилади ва бу ўз навбатида медиация институтининг ривожланишига ўзининг ҳиссасини қўшмоқда.

Диссертант юқоридагиларга кўра миллий қонунчилигимизга оилавий низоларни кўришда медиация институтини янада ривожлантириш мақсадида Оила кодексининг 38-моддасига “Никоҳдан ажратиш **медиация тартиб-таомили қўлланилганидан сўнг** суд тартибида, ушбу Кодекснинг 42 ва 43-моддаларида назарда тутилган ҳолларда эса, фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органларида амалга оширилади.” мазмунда кўшимча киритишни илгари суради.

Тадқиқотчи якка меҳнат низоларида медиация тартиб-таомилини қўллашни аниқлаштириш мақсадида “Медиация тўғрисида”ги қонуннинг 3-моддасига қуйидагича “шунингдек якка меҳнат низоларига, **шу жумладан Меҳнат Кодексининг 269-моддасидаги низоларга ҳам**” мазмундаги ўзгартиш ва қўшимча киритишни таклиф қилади.

Шунингдек, давлат ижрочиси ҳам ўз фаолиятида медиаторлик фаолиятини амалга ошириши имкониятини яратиш мақсадида “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги қонуннинг 84-моддаси биринчи қисмини қуйидаги мазмундаги йигирма биринчи ва йигирма иккинчи хатбоши

“давлат ижрочиси фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар, шу жумладан мулкӣ ва мерос масалалари бўйича ўзаро мақбул қарор қабул қилиш учун тарафларнинг ихтиёрий розилиги асосида низода медиатор сифатида иш юритиш”,

“тарафлар медиация тартиб-таомилини амалга ошириш натижаларидан келиб чиқадиган низони ёхуд мажбуриятларни бажариш шартлари ва муддатлари хусусида ўзаро мақбул қарорга эришган тақдирда, давлат ижрочиси тарафлар ўртасида тузилган медиатив келишувни тасдиқлайди” билан тўлдиришни;

“Давлат ижрочиларининг мажбуриятлари” деб номланган 84-моддаси иккинчи қисмини қуйидаги мазмундаги еттинчи хатбоши

“келишув битими ёки медиатив келишув тузиш эҳтимолини аниқлаш ва уларнинг ҳуқуқий оқибатларини тушунтириши” билан тўлдириш таклиф этади.

Диссертациянинг **«Медиация тартиб-таомиллари** такомиллаштириш масалалари» деб номланган учинчи бобида адвокатлик ва нотариус фаолиятида медиациани ривожлантириш масалалари, медиация тартиб-таомилини қўллашга оид хорижий тажриба, Ўзбекистонда медиацияни ривожлантириш истиқболлари ва устивор йўналишлари ёритилган.

Тадқиқотчи адвокат медиация жараёнида профессионал медиатор

сифатида қонун ҳужжатларида белгиланган истиснолардан ташқари чекланмаган доирада ҳаракат қилишини, нотариуслар эса медиаторлик фаолиятида фақатгина чекланган тарзда ҳаракат қилишлари белгиланганлигини таъкидлаб ўтади.

Шунингдек диссертант нотариат соҳасида медиация тартиб-таомилини амалга ошириш юзасидан ташкилий чора-тадбирларнинг белгиланганлиги муҳим аҳамият касб этади ва уларнинг фаолият йўналишларини тўғри белгилаб олишга хизмат қилишини қайт этиб ўтади. Адвокатлик фаолиятида эса медиация тартиб-таомилини қўллаш билан боғлиқ фаолият алоҳида норматив ҳужжат билан тартибга солинмаганлиги ва махсус йўриқнома ишлаб чиқилмаганлиги адвокатлар томонидан профессионал медиаторлик фаолияти билан шуғулланишда ўзига ҳос қийинчиликлар келтириб чиқаради. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатасининг II Конференциясининг 2013 йил 27 сентябрдаги қарорига 8-илова сифатида тасдиқланган “Адвокатнинг касб этикаси қоидалари”нинг ўн биринчи банди, ўн биринчи хатбошисида **“*иш бўйича сўроқ қилинган гувоҳлар, жабрланувчилар ва экспертлар билан тергов ва суддан ташқарида мунозарага киришишга*”** ҳақли эмаслиги белгиланган.⁷ Агарда адвокат даставвал тарафлардан бирининг ташаббусига кўра низоли вазиятда медиатор сифатида жалб қилинган бўлиб, медиатор сифатида олиб борган ҳаракатлари натижасида тарафлар ўзаро мақбул келишувга эришмаган бўлсаю, кейинчалик медиация тартиб таомилини амалга ошириш тўғрисидаги келишувда, тарафлар келишувга эришмаган тақдирда ўзини медиатор сифатида жалб қилган тарафнинг манфатларини ҳимоя қилишига тарафлар келишувига кўра тарафнинг манфаатларини судда ҳимоя қилаётган вақтда, иккинчи тараф ушбу адвокат адвокатлик касб этикаси қоидаларини бузиб ўзи билан мунозарага киришганлигини асос қилиб, унга нисбатан Адвокатлар палатаси томонидан таъсир чораси қўланишини сўраб мурожаат қилган ҳолатларда адвокат ўз фаолиятини қонунчилик ҳужжатлари талабларига мувофиқ амалга оширганлигини тасдиқлаши учун “Адвокатнинг касб этикаси қоидалари”нинг ўн биринчи банди, ўн биринчи хатбошисига **“*иш бўйича сўроқ қилинган гувоҳлар, жабрланувчилар ва экспертлар билан тергов ва суддан ташқарида мунозарага киришишга, бунда медиация тартиб-таомилига оид ҳолатларни истисно этганда*”** деган қўшимча киритиш мақсадга мувофиқ деган ҳулосага келади.

Диссертант фикрича ҳар бир янги институтнинг ривожланиши унинг аъзоларининг умумий жамияти ёки ташкилотининг саъйи ҳаракатлари билан бевосита боғлиқ эканлигини ривожланган хорижий давлатлар, жумладан АҚШ мисолида Америка Ҳакамлик Ассоциацияси, Федерал медиация ва ярашиш хизмати, Миллат медиация Кенгаши, Фуқаролик медиация Кенгаши, Ҳакамлик судьялари институти, АҚШ Тинчлик институти, БМТнинг сиёсий

⁷ Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатасининг II Конференциясининг 2013 йил 27 сентябрдаги қарорига 8-илова сифатида тасдиқланган “Адвокатнинг касб этикаси қоидалари”. <https://nrm.uz/>.

ишлар Департаменти, Суд ҳакамлик ва медиациялар киришини таъкидлаб ўтади.

Бу борада ташкилий чора-тадбирлар сифатида мамлакатимизда Ўзбекистон Республикасининг “Медиация тўғрисида”ги қонунига 14¹–модда (Медиаторлар ташкилоти) ҳамда 14²-модда (Медиаторлар ташкилоти функциялари) сифатида қўшимчалар киритиш ва медиаторлар ташкилотининг ҳуқуқ мажбуриятларининг аниқлаштирилиши;

шунингдек, медиация институтининг ривожланиши бевосита юридик таълим сифати ва медиаторларни тайёрлаш курсларининг фаолиятига ҳам боғлиқлигини инобатга олиб, таълим тизимида медиация институтини шакллантиришга қаратилган ўқув курслари ташкил этиш;

медиатив келишув тарафларида танлов имконияти бўлиши ҳам лозимлигидан келиб чиқиб, мукамал электрон маълумот базасини яратиш, бунда хатто ижро материаллари кўриб чиқиш босқичида медиациядан фойдаланиш бўйича маълумот материаллари, таҳлилий маълумотномалар жойлаштирилиши, бу базада мавжуд бўлган барча медиаторлар ва улар ҳақида тегишли маълумотлар бўлиши лозимлигини асослантириб берилган.

Хулоса

Олиб борилган тадқиқот натижасида қуйидаги илмий-назарий ва амалий таклифлар ҳамда хулосалар ишлаб чиқилди:

I. Илмий назарий таклифлар ва хулосалар:

1. Низоларни судларда ҳал этиш жараёнига нисбатан медиациянинг қуйидаги афзалликлари мавжуд деган хулосага келинди:

1.1 Ҳуқуқларни давлат судларида ҳимоя қилишнинг суд шаклидан медиация жараёнининг асосий фарқи медиаторнинг низонинг моҳиятига нисбатан ўз-ўзидан ҳеч қандай қарор қабул қилмаслиги ҳисобланади. Медиация доирасидаги барча қарорлар фақат тарафларнинг ўзаро розилиги асосида қабул қилинади. Судда низолар судьялар томонидан тарафлар учун мажбурий бўлган ва мажбурий тартибда ижро қилиниши мумкин бўлган қарорлар чиқариш йўли билан тугатилади;

1.2. Судларда ишларнинг кўплиги ва ишларни кўриб чиқиш оилаб чўзилганлиги туфайли медиация орқали низоларни ҳал этиш вақтнинг тежалишига олиб келади, кўпинча бир иш бўйича низолар иккинчи ва учинчи инстанцияда давом этади, ютқазган тараф суд ҳужжатлари устидан шикоят қилади, юридик ёрдам олишга сарфланадиган харажатлар суд жараёнининг давом этиш муддати билан узвий боғлиқ бўлганлиги туфайли низоларни тезкорлик билан ҳал қилиниши медиациянинг тежамкорлигини билдиради;

1.3. Медиация ўзгарувчан жараён ҳисобланиб, тарафлар низони кўриб чиқиш жараёнини ўз хоҳишига кўра тартибга солишлари мумкин, уларга муаммони муҳокама этиш учун эркин шароит яратилади. Шу билан бирга медиаторнинг ўзи ҳам тарафларга низони ҳал қилиш йўлини топишга ёрдам беради;

1.4. Суд ишининг оммавийлиги, ошкоралиги ва очиқлигидан фарқли

равишда медиация жараёнига махфийлик хосдир. Тарафлардан олинган барча маълумотлар, «девордан ташқарига чиқмайди» ва медиаторнинг фаолияти тугагандан сўнг унинг барча ёзувлари йўқ қилиниши лозим;

1.5. Суд қарорлари ҳар доим ҳам тарафлар истаган оқибатга олиб келмайди (камида бир тараф ишнинг натижасидан норозилигича қолади) ва бу ҳолат келажакда суд қарорларини нафақат ихтиёрий бажаришдан бош тортилишига, балки бажаришга мажбурий тўсқинлик қилинишига олиб келади. Медиация давомида барча қарорлар тарафларнинг икки томонлама келишувига кўра қабул қилинади ва иккала тараф ўзлари томонидан биргаликда қабул қилинган қарорларини ихтиёрий равишда бажариш мажбуриятини оладилар;

1.6. Медиациянинг рад этиб бўлмайдиган устунликлари ичида тарафлар ўртасидаги яхши, дўстона муносабатларни сақлаб қолиш ҳисобланади. Медиация айниқса, мулкни тақсимлаш, эр-хотинлар, ота-оналар ва фарзандлар ўртасидаги келишмовчиликларни бартараф этиш, меҳнат низоларини ҳал этиш билан боғлиқ муаммоларни ҳал этишда самарали ҳисобланади.

